# ЎЛКАМИЗДА САРАТОН

**Мана, саратоннинг «оташнафас» кунлари бошланди. Қуёшнинг тиғиз нурлари еру заминни нақ тандирдек қизитиб, борлиқни ҳансиратиб қўймоқда. Бироқ корхоналарда,. сахий далаларимизда, барча муассасаларда иш ўз маромида билан кетаяпти.**

**Айни жазирама шу кунларда инсон кайфиятига ижобий таъсир қилувчи, қолаверса шифобахш таъсир этувчи оромижон ичимликлардан тадбиркорлик билан фойдаланиш кони фойда эканлигини эслатиб ўтамиз. Хўш, саратон кунларида қандай оромбахш шарбатларни истеъмол қилса бўлади?**

## Оромижон ичимликлар

### Айрон

Айни саратон дамларида, жазирама кунларда айрон чанқоқбосди омил бўлиши билан бирга асабни сокинлаштирувчи, киши руҳиятини тетиклаштирувчи ҳамда аъзоитанамизни мустаҳкамловчи беозор оромижон ичимликларимиздан ҳисобланади. Азму-азалдан халқимиз томонидан тадбиркорлик билан фойдаланилаётган бу ичимлик шифобахшлик борасида ҳам таҳсинга лойиқлиги билан ажралиб туради. Айрон таркибидаги танаманзур моддалар, жумладан алмаштириб бўлмайдиган маъдану-моддалар аъзои-танага осон сингувчан даражада бўлади.

Айронни рисоладагидек тайёрлаш йўллари лаззатпазларимиз Карим Маҳмудовнинг «Ўзбек таомлари» ва Дали Сиддиқовнинг «Лаззатли таомлар» китобларида кўрсатиб ўтилган. Одатда айрон тайёрлаш учун чучук табиатли сув қайнатилиб, сўнг муздек совутилади. Етарли ёғлиқ қаттиқ ёки сузмага аввалига озгина шу сувдан қўшиб, ёғоч қошиқ воситасида аталаб ийдирилади, етилтирилаётган маҳсулот қаймоқдек бўлганидан кейин каттароқ идишга солиб, унинг устига совутилган сув қуйиб яна аталанади. Сув айтарли совуқ бўлмаса, уни холодильникда совутиш ёки тайёр айронга бир бўлак муз солиш мумкин.

Айрон сопол кўзаларда сақланадиган бўлса, у ўзгача хуштабиатлиги ва салқинлигини йўқотмайди.

### Қимизак

Қимизак (квас) қадимдан истеъмол қилиниб келинадиган хуштаъм, чанқоқбосди ичимлик бўлиб, бизнинг шароитимизда фойдалилиги билан ажралиб туради. Нонли қимизак ўз табиати билан чанқоқни қондириб, кишини тетиклаштирибгина қолмай, балки овқат ҳазмланишини осонлаштиради. Унинг бу хусусияти таркибида сут бактериялари мавжудлиги билан тушунтирилади. Сут кислотаси эса ўз навбатида ичак фаолиятининг меъёрланишига ёрдам беради.

Қимизакнинг озиқа сифатида қимматлилигини белгилайдиган нарса, у ҳам бўлса, одам аъзосига осон сингийдиган оқсиллар, қанд моддалари, дармондорилар, маъданли бирикмалар ҳисобланади.

Иссиқ иқлимли бизнинг шароитда қимизакдан тадбиркорлик билан фойдаланиш яхши наф беради. Қимизак тайёрланиши ўз навбатида ноннинг исрофланишига ҳам бир қадар чек қўяди, чунки қотган нон қимизакнинг асосини ташкил қилади.

Қимизакни тайёрлаш усули жуда осон бўлиб, уни уй шароитида қуйидагича ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун жавдари нонни майда бўлакларга ажратиб, усти қизаргунча оташхона — духовкада қиздирилади. Қуритилган ноннинг устига қайноқ сув қуйиб, усти беркитилган ҳолда 3—4 соат мобайнида тиндириб қўйилади. Одатда қимизак сирланган, чинни ёки шишали идишларда тайёрланади. Чунки тунукали, алюминийли, шунингдек руҳланган идишларда қимизак бузилиб, заҳарли омилларга парчаланиши мумкин.

Шиша идишга ҳосил бўлган шинни дока воситасида сузилгач, унга хамиртуруш, шакар, ялпиз солиниб, усти сочиқ билан ёпилади-да, 10—12 соат давомида ачитилади. Шинни битганидан кейин, яъни бижғиганидан сўнг яна бир бор сузилади ва шиша идишларга солиниб, оз-оздан майиз қўшиб қўйилади. Шундан сўнг шишаларнинг оғзи пухталаб беркитилиб, 2—3 соат давомида уй ҳароратида, кейин эса совуқ жойда сақланади. Қимизак уч кун ўтгандан сўнг етилиб тайёр бўлади.

Бир кило жавдари қуритилган нондан қимизак тайёрлаш учун 8—10 литр сув, 25 грамм ачитқи, 200 грамм шакар, 25 грамм майиз лозим бўлади.

### Олма шарбати

Етилиб пишган олма ювилади, шикастланган жойлари, шунингдек ўзак қисмидан тозаланади. Сўнгра қирғичдан ўтказилиб, ёхуд шарбат ажратгич (соковижималка) воситасида олма шарбати ажратилиб, сузиб олинади. Олма шарбати фақат чинни ҳамда шиша идишларда, оғзи пухта ёпилган ҳолда салқин жойларда сақланади.

Олма шарбати асосида оромижон ичимлик тайёрлаш мумкин. Бунинг учун қайнатиб совутилган сувда қанд (шакар) эритилгач, унга олма шарбати солиниб аралаштирилади. Сўнг лимон кислотасининг сувли эритмаси (1:20 нисбатда) қўшилиб обдон чайқалади.

Олма шарбати тинка қуриши, бош гангиши, дармонсизликда, офтоб уришида, шунингдек ошқозон-ичак йўлларининг яллиғланишида, сурункали бод, товуш бўғилиши, ичбуруғ, ниқриз, паришонхотирликда фойдали ҳисобланиши билан бирга, пешоб йўлларида мавжуд бўлувчи тошларни нуратиш хусусиятига ҳам эга.

Маҳсулотлар: бир литр шифобахш ичимлик тайёрлаш учун 650 грамм олма шарбати, 40 грамм шакар, 400 грамм (ёки миллилитр) сув, бир грамм лимон жавҳари олинади.

**М. НАБИЕВ,**
**доришунос.**







Ёзнинг иссиқ тиғида.

Р. Шарипов ва М. Нуриддинов лавҳа суратлари.

## «Меҳнат–роҳат»да

— Болалар, волейбол ўйнаймизми?

— Бугун чўмилишга бормоқчи эдик...

Одатда ёз фаслида бўладиган бундай суҳбатларни шу кунларда Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозида ташкил этилган «Меҳнат-роҳат» лагерида эшитиш мумкин. Сўлим ўриксорга ўрнатилган капаларда 80 нафарга яқин болалар ёз гаштини суришяпти.

— Уч йилдан бери шу хўжаликка келамиз, — деди лагерь бошлиғи, пойтахтнинг С. Раҳимов районидаги 28-мактаб ташкилотчиси М. Шайхова. — Раҳбарлар ўқувчиларнинг ўз вақтида ишлаб, дам олишлари учун барча шароитларни яратиб беришяпти.

Лагерь ҳаёти қизиқарли. Кўмакчилар эрталаб ва кечки салқинда ишлагач, ҳордиқ чиқарадилар. Радио, телевизор, шахмат-шашка, волейбол майдончаси, чўмилиш ҳавзаси улар хизматида. Асосий мақсад келажак авлодда меҳнат кўникмаси ҳосил қилиб, ёзнинг мазмунли ўтишини таъминлашдир.

Болалар 4 та бригадага бўлинган ҳолда сабзи, пиёз, лавлаги ўташяпти. Бундан ташқари ҳар куни қабул пунктларига 1—2 тоннадан қишлоқ хўжалик маҳсулоти жўнатилмоқда.

**Ш. САЪДИЕВ.**

## «Қуёшжон» болалари

«Қуёшжон» мактаб пионер лагерида болалар мириқиб дам олишмоқда. Сабаби, лагерь ҳаёти турли тадбирларга бой.

Мен борганимда болалар эрталабки нонушта қилишаётган экан. Ошхона озода, кенг, деворлари турли суратлар билан безатилган, гуллар хона чиройига чирой қўшиб турибди. Ошхона ёнидаги гулзорда атиргуллар қийғос очилган.

Болалар нонушта қилиб бўлгунча мен хоналарни кўриб чиқдим. Болалар ҳар ҳафтада врач назоратидан ўтадилар. Хоналардаги совун, оппоқ сочиқлар бу ерда озодагарчиликка катта эътибор берилишини исботлаб турибди. Йўлаклар кўргазмалар, расмлар, болалар ясаган буюмлар билан безатилган. Дам олиш хоналари салқин, озода, диванларга оқ чойшаблар тўшалган.

Нонуштадан сўнг ёш кўзбойлоғичлаар конкурси ўтказилди. 2-отряд кашшофлари ўзлари ёзган ва саҳналаштирган «Ялқов бола ва роботлар» номли томошани дам олувчилар мириқиб томоша қилдилар. Шундан кейин «Дўстлик ярмарка»си ҳам ишини олиб борди.

— Лагернинг ҳар бир куни ажойиб тадбирлар билан ўтади, — дейди 4-отряд вожатийси Зиёда Боймуродова. — Яқинда Пушкинхонлик кечаси бўлиб ўтди. Кечада болалар Пушкин эртакларидан парчалар ижро этишди. Вожатийлар шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан болаларни яқиндан таништирдилар.

Суҳбатга кичик вожатий Лобар Аширматова қўшилди:

— Ягона бир камчилигимиз бор: бу — чўмилиш ҳавзаси йўқ. Лекин шунга қарамай болалар ҳам, ота-оналар ҳам биздан миннатдор. Биз ҳар бир куннинг завқли ўтиши учун ҳаракат қиляпмиз.

Вожатийлар 7 ва 9-синф ўқувчиларидир. Улар ўқув комбинати бирлашмасидаги тил ва адабиёт ўқитувчиси группасида таҳсил олишмоқда. Ўқитувчилик сирларини яқиндан ўзлаштириб, лагердаги амалий машғулот давомида фойдаланмоқдалар.

Лагердан кетаётиб пионер хонасига назар ташладим. У ерда вожатийлар ўртасида қизғин баҳс борарди. Чамаси улар эртанги кунда ўтказиладиган тадбирлар ҳақида фикрлашишмоқда эди.

**М. МУХТОРОВА.**

## Республикамизда ягона

Бу ҳақда дастлаб эшитганимизда, «Ҳа энди, ҳозирги замонавий болалар боғчаларидан бири бўлса керакда», деб ўйлагандик. У ерга бориб кўрганимиздан сўнг ҳаммаси равшан бўлди. Дарвоза тепасига боғчанинг номи — «Семурғ» деб катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Шинамгина қурилган икки қаватли бино. Атрофлари озода, гуллар экиб, сув сепиб қўйилган. Ҳовлининг этак томонида кичик боғ ҳам бор.

Боғча мудираси Фарида Ҳусанова билан группаларни айланарканмиз, бу боғчадаги қулайликлар диққатимизни тортди. Ҳар бир группанинг ўзида ювиниш хонаси, ванналари бор. Кираверишдаги коридорнинг чап томонида болалар овқатланадиган, машғулотлар ўтказиладиган хона, ичкарида 3 пиллапоя шаклида ишланган караватлар жойлаштирилган ётоқхона. Бундан ташқари махсус логопед-врач болалар нутқини, талаффузини тўғри ривожлантириш билан шуғулланувчилар учун алоҳида бурчак очилган. Бундай врачлар ҳар бир группада бор. Улар кунига болалар билан алоҳидаалоҳида машғулот олиб борадилар. Шуни айтиш керакки, мия фалажлиги билан касалланган болалар учун махсус очилган бу кеча-кундуз ишловчи боғча ҳозирча республикамизда ягона бўлиб. Тошкент шаҳрининг Киров районида ташкил этилди. Бу ҳақда боғча мудираси шундай дейди:

— Боғчамиз 1988 йил сентябрь ойидан фаолият бошлади. Ҳозир бизда 6 та группа бўлиб, ҳар бирида 14—15 тадан бола бор. Ўзлари ҳаракат қилолмайдиган болалар учун яна 2 та группа очиш ниятимиз бор.

— Бошқа боғчалардан унинг яна қандай фарқли томонлари бор?

— Бемор болаларга мўлжаллангани учун бизда физиотерапевт, руҳий касалликлар, асаб касалликлари врачлари, 3 та массажчи, 1 та кундузги ҳамшира, 2 та тунги ҳамшира ишлаб турибди. Жисмоний машқлар билан даволаш кабинети ҳамда физиотерапия кабинетида болалар врачлар назорати остида даволанмоқдалар. Шунингдек, навбатчи тарбиячи ва ҳар бир группадаги тунги энагалар болаларни кечаси билан парвариш қилиб чиқадилар. Яна шуни ҳам айтиш керакки, болалар бизда озиқ-овқат билан бепул таъминланиб, даволанадилар. Агар эътибор берган бўлсангиз, қишки бассейн қуряпмиз. Яна бошқа кўпгина ишларни режалаштирганмиз.

**Г. УМАРОВА.**



**СУРАТДА:** боғча ҳаётидан лавҳа.

**Т. Каримов** сурати.

## ДИЛГА ЁҚИЛГАН ЧИРОҚ

Ҳикоя

**Б**ОШҚАРМА бошлиғи Нурилла Бориевич уйига ғамгин, ҳориган, аллақандай тушуниб бўлмас кайфиятда қайтди.

— Ҳа, адаси, тинчликми ўзи? Тобингиз қочдими ёки ишхонангизда бирорта нохушлик содир бўлдими?.. Ҳозир, ҳозир аччиқ чой дамлаб бераман. Ажаб эмас, ҳордиғингиз ёзилиб кетса...

Фаридахон эрининг атрофида гирдикапалак бўлар, унинг кайфиятини ёзиб юбориш учун бисотида бор яхши сўзларини ишга солар, ўғилчаси Сарваржонни унга опичитиб қўймоқчи бўларди. Барибир, Нуриллага хотинининг на эркалаши, на дилбар сўзлари кор қиларди. Бутун вужудини, юрак-бағрини ички бир дард қамраб олиб эзарди...

Кечки овқатда ҳам унинг чеҳраси очилмади.

— Бирор нима денг, адажониси, жилла бўлмаса Сарваржонни қўлингизга олсангиз-чи! Одам деган шунчалик ҳам ўзини ўзи қийнайдими?

— Илтимос, Фаридахон, мени бир оз ҳоли қолдиринг!

Фаридахон елкасини қисиб ўғилчасини бағрига босган ҳолда ётоқхонага кириб, эшикни орқасидан ёпди.

— Нима иш қилиб қўйдим? — дерди бошини қўллари орасига олган Нурилла. — Отам тенги бўлим бошлиғини ҳақорат қилдим-а! Ўзим эндигина раҳбарликка сайланган бўлсам, шунча йил заҳмат чеккан, мендан ўн чандон ортиқ тажрибали одамга жазавам тутиб, планни бажармадингиз, ташкилотимизга доғ туширдингиз, бизларга керак эмас сиздек лапашанг мудир деб юборибман. Бу ҳам майли-ку, ишдан бўшашга ариза ёзинг, деганим нимаси... Ҳайронман, қаёқдан одат тусига кирган бу бемаъни ибора!? Турғун ака шу дақиқаларда қандай аҳволга тушиб ўтирганикин? Келинлари, ўғиллари, қизлари, устига устак дардчил аёли-чи? Уч кишидан иборат кичик оиламда шунчалик дилхиралик бўлди. У катта оилада нима бўлаётганикин? Уларникига борсаммикин? Кечирим сўрашим керакмикин!..

Нурилла соатга назар солди. Унинг миллари йигирма тўртга яқинлашиб қолганди. Барибир бораман. Бормасам уларнинг туни хуфтон бўлиб ўтиргандир... У ётоқхона эшиги тирқишидан хона ичига аста мўралади. Хотини ва ўғилчаси сокин ухлаб ётишарди. У елкасига тўнини ташлади-да кўчага отилди. Йўлда шахдам кета туриб: «Ухлаб қолишган бўлишса-я? Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди деб кўнглидан ўтказди. Йўқ. Улар ҳали ухлашмаган!» — деб ўзига ўзи таскин берди.

Мана, Турғун аканинг дарвозаси. У тортинибгина, қўнғироқ тугмасини босди. Бир неча дақиқадан сўнг ичкаридан: «Лаббай, эшик очиқ, кираверинг», — деган йигитчанинг дўриллаган овози эшитилди.

— Турғун акамлар ухлаб қолмадиларми, синиқ товушда сўради Нурилла.

— Йўқ. Кираверинг, чақириб чиқайми десам хомуш, хаёлчан кайфиятда ўтирибдилар. Уларга қараб биз ҳам ўтирибмиз, — деди йигитча заиф товуш билан ва қўшиб қўйди: — Кечирасиз, ака, сиз ким бўласиз?

— Отангизни кўришим керак. Бир ташкилотда ишлаймиз.

Нурилла айвонда ўтиришган ўн чоғлик оила аъзоларини кўриб, ўзини алланечук ноқулай сезди. Нуриллани кўрган замони Турғун ака айвондан шоша-пиша тушиб унинг олдига келди-да, интизор кутган одамини топгандай бағрига босаркан: «Мен... мен ишонар эдим, келишингизга Нурилла Бориевич!» — деди тутилиб, қимтиниб. Нурилланинг ҳам томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди. У: «Кечи... Кечиринг», дея олди, холос, шивирлаб. Бу манзарани кузатиб туришган оила аъзолари улар ўрталарида нима гап ўтганидан бехабар бир-бирларига савол назари билан қараб қўйишди... Тун ярим кечадан оққанда Нурилла ўз уйи томон оҳиста йўл олди. Унинг елкасидан тоғдек оғир юк қулагандек эди.

Ётоқхонага кириб кароватчада пишиллаб ухлаётган ўғилчасининг пешонасидан ўпди. Ўпич шарпасидан хотини уйғониб кетди, нақ бошида ёқимли жилмайиб турган умр йўлдошини кўрди. Ўзидан ўзи ичи ёришиб, кўзига, хонани нимтатир ёритиб турган тунги чироқ қуёшдек чарақлаб кетгандек туюлди...

**Анвар ҲОЖИХОНОВ.**

## Реклама ва эълонлар



**Саёҳат-экскурсияларни ташкил этиш билан шуғулланувчи кооперативларнинг раҳбарлари диққатига!**

### Шартнома тузинг

«Ташкенттурист» ишлаб чиқариш бирлашмаси кооперативлар йўли билан хизмат кўрсатиладиган саёҳатчилар гуруҳларига турли мавзуларда экскурсиялар ташкил этиш юзасидан шартномалар тузади.

1989—1990 йилларга шартнома тузиш учун вакилларингизни 1989 йил 10 июлга қадар «Ташкенттурист» ишлаб чиқариш бирлашмасининг экскурсиялар бўлимига йўллашингизни сўраймиз.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-20-82, 44-18-98.

**«ТАШКЕНТТУРИСТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.**



### Истасангиз шимолга, истасангиз жанубга

**«Изумруд» кооперативининг саёҳат-экскурсиялар филиали қуйидаги йўналишлар бўйлаб саёҳатга таклиф қилади:**

**БОТУМИГА,** 20 кунга, 11 июлдан 31 июлгача, 17 июлдан 6 августгача, 7 августдан 27 августгача —370 сўм;

Хусусий уйларда истиқомат қилинади.

**ЛАЗАРЕВСКОЕГА,** 20 кунга, 7 августдан 27 августгача, 28 августдан 17 сентябргача, 18 сенгябрдан 8 октябргача —380-сўм.

Хусусий уйларда истиқомат қилинади.

**ПЕРМГА,** 15 кунга, 15 июлдан 29 июлгача, 5 августдан 19 августгача.

Ушбу йўналишга ота-оналар етти ёшдан кичик бўлмаган болалари билан чиқишлари мумкин.

Кама дарёси соҳилидаги «Турист» меҳмонхонасида истиқомат қилинади.

Катталар учун йўлланма баҳоси — 330 сўм,
болалар учун —260 сўм.

**ДНЕПРОПЕТРОВСККА,** 15 кунга, 15 июлдан 29 июлгача.

Ушбу йўналишга ота-оналар етти ёшдан кичик бўлмаган болалари билан чиқишлари мумкин.

Шаҳар меҳмонхоналарида истиқомат қилинади.

Катталар учун йўлланма баҳоси —338 сўм,
болалар учун —245 сўм.

**ЛЕНИНГРАДГА,** 5 кунга, 8 августдан 12 августгача, 24 августдан 28 августгача —295 сўм.

Шаҳар ётоқхоналарида (Купчино районы) истиқомат қилинади.

**ЗЕЛЕНОГРАДСК-КАУНАСГА,** 10 кунга, 21 августдан 1 сентябргача—350 сўм.

Пансионатда истиқомат қилинади.

**МОСКВАГА,** 5 кунга, 3 июлдан 7 июлгача,
11 августдан 15 августгача — 240 сўм.

Шаҳар меҳмонхоналарида истиқомат қилинади.

**ЗЕЛЕНОГРАДСК-БИРШТОНАСГА,** 20 кунга, 3 июлдан 22 июлгача —465 сўм.

Болтиқ денгизи курорт зонасида жойлашган саёҳатчилар базаларида истиқомат қилинади.

**КЛАЙПЕДА-МОСКВАГА,** 15 кунга, 21 июлдан 4 августгача, 8 августдан 22 августгача—450 сўм.

Меҳмонхоналарда истиқомат қилинади.

**ЗЕЛЕНОГРАДСК-МОСКВАГА,** 15 кунга, 6 июлдан 20 июлгача — 462 сўм.

Пансионат ва меҳмонхоналарда истиқомат қилинади.

**ЗЕЛЕНОГРАДСККА,** 15 кунга, 18 июлдан 1 августгача — 335 сўм.

Хусусий уйларда истиқомат қилинади.

Бизга 45-45-57 телефони орқали мурожаат қилинг.

**«Изумруд» саёҳат-экскурсиялар кооперативи.**



**«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.**

